XALQ DEPUTATLARI MIROBOD TUMAN KENGASHINING

Q A R O R I

2021 - yil 18 - noyabr II-47-15-14-199-K/21 Mirobod tuman hokimligi

Миробод туманида жойлашган автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш хизматларига тўловларни 2022 йил учун чекланган миқдорини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда; 2012 й., 52-сон, 587-модда; 2017 й., 23-сон, 457-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 27.12.2018 й., 07/18/4086/2354-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.09.2021 й., 06/21/6314/0876-сон), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 июлдаги “Автомототранспорт воситаларини доимий ва вақтинча сақлаш жойларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” 213-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 409-модда; 2017 й., 20-сон, 363-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.03.2019 й., 09/19/201/2731-сон, 23.11.2019 й., 09/19/943/4066-сон) билан тасдиқланган Низомнинг 16 ва 25-бандига асосан Миробод туман ҳокими биринчи ўринбосари А.Салайдиновнинг билдиргисини инобатга олиб, Халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Миробод тумани ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида, юридик шахсларга тегишли автомобиль тўхташ жойларида автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлари ва Транспорт инфратузилмаларининг (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва

гараж) 2022 йил учун қўлланиладиган ижара тўлови ҳамда ундириладиган тўловларни чекланган ставкалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2.Туман ҳокимининг архитектура, капитал қурилиш ва коммуникацияларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (Ф.Нажмиддинов) ва Миробод туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Д.Усмонов)га;

- Хусусий юридик шахсларга тегишли автомобиль тўхташ жойлари ва ноқонуний транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж) яширин иқтисодий фаолият юритаётган юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш ва қонунийлаштириш чоралари кўрилсин.

3.Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Салайдинов) ва Миробод туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Д.Усмонов)га;

Бюджет даромадлари кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш устидан қатъий назоратни ўрнатилиши;

транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж) давлат бюджетига солиқ тушумлари бўйича Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашига доимий равишда маълумот киритиб борсинлар.

4.Миробод туман ҳокимлиги Матбуот котиби (Ш.Хазрат), Миробод тумани ҳокимининг маънавий–маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Д.Расулова), Миробод туман ҳокимлиги Ахборот технологиялари бўйича мутахассиси (Ш.Ибрагимов)га:

Мазкур қарор расмий эълон қилиниши таъминлансин.

Мазкур қарордан келиб чиққан ҳолда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер солиқлари бўйича белгиланган ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

5.Ушбу қарор 2022 йил 1 январдан кучга киради.

6. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари

бўйича доимий комиссияси (А.Маманазаров) ҳамда Миробод тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Салайдинов), туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Д.Усмонов) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ш.А. Пулатов**

Халқ депутатлари Миробод туман
Кенгашининг
2021 йил 18 ноябрдаги
II-47-15-14-199-K/21-сон қарорига
1-илова

Миробод туман ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида, юридик шахсларга тегишли автомобиль тўхташ жойларида автомототранспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатиладиган хизматлари ва Транспорт инфратузилмаларининг (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж) 2022 йил учун қўлланиладиган ижара тўлови ҳамда ундириладиган тўловларни чекланган ставкалари

Т/Р	**Автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш учун:**		
1.	енгил автомашиналар учун	20 минутгача	2 000
		40 минутгача	4 000
		1 соатгача	5 000
		2 соатгача	6 000
		3 соатгача	7 000
		4 соатгача	8 000
		4 соат ва ундан ортиқ вақт учун	10 000
2.	юк автомобиллари учун	20 минутгача	4 000
		40 минутгача	5 000
		1 соатгача	6 000
		2 соатгача	7 000
		3 соатгача	8 000
		4 соатгача	10 000
		4 соат ва ундан ортиқ вақт учун	12 000
Транспорт инфратузилмаларининг (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)			
3.	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)	1 метр квадрат учун йиллик	30 600